

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:658.01:338.45:67/68

Усмонов Жамолиддин Шухрат ўғли

ЕНГИЛ САНОАТДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ САЛМОҒИ ЮҚОРИ
БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ
(“UZTEX TASHKENT” МЧЖ ҚК мисолида)

5A230201–“Менежмент” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: доц. Ходжамуратова Г.Ю.

Тошкент – 2019


Ушбу диссертация ишида енгил саноатда кўшилган қиймат салмоғи юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш йўллари тадқиқ этилди. Тадқиқот объекти бўлган “UZTEX TASHKENT” маъсулияти чекланган жамияти кўшма корхонасида кўшилган қиймат салмоғи юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш йўллари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

In this dissertation work, the ways to increase the production of high value added products in the light industry were investigated. Scientifically-practical recommendations have been developed to increase the production of high value added products at the joint venture "UZTEX TASHKENT" LTD, which is the object of research.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

2 - сонли баённома «18» май 201 й.


Кафедра мудири Н.К.Йўлдошев


ИМЗО САНА


Илмий раҳбар: Г.Ю. Ходжамуратова


ИМЗО САНА

Такризчи: Р.Х. Карлибаева


ИМЗО САНА

Магистрант: Ж.Ш. Усмонов


ИМЗО САНА

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I боб. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	7
1.1. “Қўшилган қиймат” назарияси ва ишлаб чиқариш жараёнида қийматлар занжирининг ҳосил бўлиши.....	7
1.2. Енгил саноатда янги қийматни юзага келтирувчи жараёнлар занжири.....	17
1.3. Қийматлар занжирини шакллантириш меъёрлари.....	23
I боб бўйича хулосалар.....	29
II боб. “UZTEX TASHKENT” МЧЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ҚЎШИЛГАН ЮҚОРИ ҚИЙМАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1. “UZTEX TASHKENT” МЧЖ қўшма корхонасининг умумий таснифи.....	30
2.2. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этилиши.....	45
2.3. Корхонанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	51
II боб бўйича хулосалар.....	61
III боб. КОРХОНАДА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	62
3.1. “UZTEX TASHKENT” МЧЖ қўшма корхонасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги истикболли йўналишлар.....	62
3.2. Корхонада қўшилган юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари.....	67
III боб бўйича хулосалар.....	74
ХУЛОСА.....	75
Фойдаланилган адабиётлар.....

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Енгил саноатда кўшилган қиймат салмоғи юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилатган аҳамиятли сиёсатлардан бирига айланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилган барча видео селекторларида ва жойлардаги ташрифларида юқори кўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган сиёсатлари бунинг яққол далилидир. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойидаги Самарқанд вилоятига буюрган ташрифида шундай сўзларни таъкидлаган эди: “Пахта сотиш бу кип-қизил калтабинлик. Бутун дунё бизнинг пахтамизни олиб, қанча фойда кўради. Мана Бангладеш Ўзбекистондан 70 фоиз пахтани сотиб олади. Ҳиндистондан 30 фоизини сотиб олади. Ўзбекистон билан Ҳиндистон пахтасини аралаштириб 30 млрд долларлик маҳсулот экспорт қилади. Улар пахта етиштириш азобини кўрмаган. Биз эса, 2 млрд долларлик экспорт қила олмаймиз. Майли, олдинги вақтлар мумкин эмас эди. Ҳозир ҳамма нарсани очиб бердик. Айтаяпмиз, ривожланишлар, деб. Пахтани кўшимча қиймат билан сотиш керак. Нима дегани кўшимча қиймат билан? Икки карра ишлаб, калава ё мато эмас, тайёр буюм қилиб сотайлик. Шу сабабли, бундан кейин Самарқанднинг ҳар бир туманида пахта кластерлари ташкил этилади. Кластер дегани, пахтанинг эгаси бор дегани. Ўзи экади, ўзи теради, қайта ишлайди. Тайёр маҳсулот қилиб сотади”¹. 2019 йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди².

Пахта хом ашёсига бўлган талаб жаҳон бозорида юқориликка қарамасдан мамлакатимизда пахта майдонларини қисқартириш ва максимал

¹ Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойидаги Самарқанд вилоятига буюрган ташрифида нутқи // www.uza.uz

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳар:28.12.2018 й. // www.uza.uz